

БОБОЖОНОВ Шавкат

Тошкент давлат педагогика университети
Ўзбекистон тарихи кафедраси доценти в.б.,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

БУХОРО АМИРЛАРИНИНГ НАКШБАНДИЯ ПИРЛАРИГА ЭҲТИРОМИ

УВАЖЕНИЕ БУХАРСКИХ ЭМИРОВ К НАКШБАНДИЙСКИМ ШЕЙХАМ

RESPECT OF THE BUKHARA EMIRS FOR THE NAKSHBANDI SHEIKHS

Аннотация: Мақолада Бухоро амирларининг накшбандия тариқати шайхларига кўрсатган ҳурмати, уларни зиёрат қилиш анъанаси, ҳатто вафотидан сўнг улар пойига дафн этилиши сабаблари кўрсатиб берилган. Бухорода асрлар давомида шаклланган ҳукмдорлар мазори, яъни Баҳоуддин Накшбанд зиёратгоҳидаги дахмаи шохон – шохлар дахмасида дафн этилган хону амирлар, уларнинг тариқат шайхларига мурид тушгани каби масалалар илмий таҳлил этилган.

Калит сўзлар: накшбандий шайхлар, зиёрат, табаррук дийдор йўлаги, Мозор дарвозаси, салом дарвозаси, қизил гул сайли.

Аннотация: В статье показано уважение, оказываемое эмирами Бухары шейхам секты Накшбанди, традиция посещения их и даже причины, по которым их после смерти хоронили у их ног. Научно обоснованы такие вопросы, как гробницы правителей, формировавшихся в Бухаре на протяжении столетий, то есть эмиров, захороненных в дахмаи шошан- царское кладбище в усыпальнице Бахауддина Накшбанди, а также мюридов шейхов их секты. проанализировано.

Ключевое слово: Накибандийские шейхи, паломничество, святой коридор, ворота Мазар, ворота Салам, гуляние красных цветов.

Abstract: The article shows the respect shown by the emirs of Bukhara to the sheikhs of the Nakshbandi sect, the tradition of visiting them and even the reasons why they were buried at their feet after death. Such issues as the tombs of the rulers who were formed in Bukhara over the centuries, that is, the emirs buried

in the dakhmai shoshan-royal cemetery in the tomb of Bahauddin Naqshband, as well as the murids of the sheikhs of their sect, are scientifically substantiated. analyzed.

Keywords: Nakshbandi sheikhs, pilgrimage, holy corridor, Mazar gates, Salam gates, red flower festivities.

КИРИШ

Ўрта Осиё хонликларида хон ва амирлар ўз ҳукмдорлиги, тахтини қонунийлаштириш мақсадида маълум диний маросим ёки сиёсий тадбирларни амалга оширишган. Хусусан, Бухорода амирлар тахтга ўтириши биланок Баҳоуддин Накшбанд қабрини зиёрат қилишган, сўнгра Самарқанддаги Кўктош устига бориб ўтиришган. Мазкур муҳим тадбирлар бажарилгач, уларнинг тахти тан олинган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Накшбанд қабрини зиёрат қилишни Бухоро амирлари ўзига бурч деб билган. Бухородан 12 чақирим узоқликда жойлашган мазкур зиёратгоҳга тез-тез ташриф буюришган. Зиёратгоҳдан бир чақирим узоқликда ҳаммом ва “Дарвозаи Кавш каш”-“оёқ кийими ечиладиган дарвоза” бўлган. Шу ердан покланиб, кейин мазорга пиёда борилган¹. XX аср бошларига қадар Баҳоуддин зиёратгоҳига ичма ич қириладиган учта дарвозалар [Боби Токи миёна (ўрта гумбазли дарвоза), Боби Диловар (дилни шод этувчи дарвоза), Боб^{2**}и Салом(салом дарвозаси)] орқали қирилган. Дарвозалар оралаб борадиган йўл “роҳрави дароз” – узун йўлак, ёки “роҳрави мубин”, яъни “табаррук дийдор (Баҳоуддин Накшбанд дийдори)га эришув йўлаги” деб номланган [9, 62].

Дарвозаи токи миёна ғарб томондан зиёратгоҳга қириб келувчиларни кутиб олган илк қиравериш эшиги бўлиб, у маҳобатли тоқ билан безатилган. Миёнсаройли, саққохонали дарвозанинг икки томонида “Оппоқ ойим” масжиди қад ростлаган.

Дарвозаи диловарга Бухоро аҳлининг меҳри бўлакча бўлганлиги сабаб, унга гўзал ном қўйганлар. Номланишнинг биринчи маъноси – бино жуда гўзал бўлганидир. Гумбазли,

¹ Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Когон тумани. Қасри Орифон қишлоғи. 2019 йил, июль.

² Боб – форс.тожикча сўздан олинган бўлиб, дарвоза маъносини англатади.

пешток, ёзувли, шарафа, гирехи руми-ю, ирокий нақшлар билан дилни мафтун этувчи дарвоза бўлган. Иккинчи маъноси “Дил назди Худо овар”, яъни кўнгилниги Ҳақ олдида очгин, яъни Ҳақ вакили турбати олдида изҳори дил қил деганидир. “Кўнгилни тортувчи дарвоза”да сулс хатида Расулulloҳ (с.а.в.)нинг “Сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Бас, уларни зиёрат қилинг. Чунки бу ўлимни эслатади”, деган ҳадислари ёзилган.

Роҳрави мубин (йўлаги) охирида зиёратчилар хизматида шай турган энг катта ва бинокорлик нақшлари билан безатилган пештокли дарвоза салом эшигидир. Пештоқи наботий усулдаги ислимий нақшлар билан безатилган. Китобасида сулс хати билан оят битилган. Йиллар ўтиши билан ёзувлар хиралашиб, кесма парчинлар узилиб тушиб, йўқолган. Дарвозаи салом “Бобус салом”, Аллоҳдан сўраш, истак, умидворлик, ниёзмандлик ҳолатида кирилиши лозим бўлган эшик маъносига эга. Ҳазратни воситачи қилиб, унинг руҳи поки олдида Аллоҳдан тўғри йўл, куч-ғайрат, юрт учун тинчлик ва омонлик сўраш ўта хайрли амалдир. Боби саломдан ўтиб, ичкари кирилади. Дарвоза ўнг қанотида чиллаҳона, чап қанотида эса айвон мавжуддир. Бу дарвозадан салом бериб, ҳазрат мақбарасига кирилган. Шунинг учун дарвоза Бобус салом деб номланган. Дарвозалар дастлаб XVI асрда бунёд этилган бўлса, Бухоронинг сўнгги амирлари томонидан таъмир этилган. Дарвозахона мукарнасида настаълиқ хатида усталарнинг номлари ва иморатнинг қурилган йили ёзилган. Усто Муҳаммад Саиднинг иши. 1229/1813. Усто Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Судурнинг иши. 1229/1813.

Ҳазрат қабрига олиб кириладиган қадимий дарвозалар қанча улуғ олиму донишмандлар, подшоҳу ҳукмдорлар, сайёҳу зиёратчиларни қарши олган. Мусулмон дунёси бир марта бўлса-да табаррук остонага қадам ранжида қилишни орзу қилган.

Ҳафтада бир марта ярмарка ўтказиладиган ушбу зиёратгоҳга бухороликлар эшакларда ибодат учун тўхтовсиз қилишгани саёҳатчилар кундаликларида ёзиб қолдирган. Ҳукмдорлар тахтга кўтарилишдан олдин узоқроқда жойлашган бу авлиё қабрига ҳар ҳафтада ўз пойтахтидан пиёда боришган. Баҳоуддиннинг

ёрдамига муҳтож бўлганда ёки буюк давлатини ўз сўзида мустаҳкам ушлаб тура олиши учун ҳам шундай қилишган [4, 449]. Кобулдаги Англия миссияси томонидан Бухоро амирлигига юборилган Александр Борнс “Бухорога саёҳат” кундалигида “биз йўлда ҳукмдорнинг юқларини учратдик ва кузатиб бораётганлар унинг хизматкорларидан эканлиги, бугун зиёратгоҳ (Баҳоуддин)да ҳукмдор тунни билан қолиб ибодат қилишини билиб олдик” деб ёзган [4, 450].

Айрим тарихий эсдаликларда қайд қилинишича, Бухоро амирлари йилда бир марта бу ерни зиёрат қилишган. Илгарилари такводор амирлар Бухородан зиёратгоҳгача бўлган 10 верст масофага (1 верст – 1, 0668 км)га пиёда қелишган. Кейинги амирлар бунинг учун отдан фойдаланишган [13, 356].

Баҳоуддин мазорига зиёратга бориш учун шаҳарнинг Мозор дарвозаси олдида доимий шай турган 100 дан ортиқ хачирлар ёки 10 та аравалардан фойдаланилган [1, 292]. Бухорода бўлган машҳур моҳар (венгер) олими ва сайёҳи, жосус Ҳерман Вамбери эса Мозор дарвозаси (дарвозаи Мозор) олдида турувчи 300 дан ортиқ эшакларда зиёрат амалга оширилганини ёзган [5, 153]. Бухоро 11 дарвозали бўлиб, ҳар бири номланган. Шарқий томондаги дарвозадан Баҳоуддин Нақшбанд мазорига чиқиб кетилганлиги учун “Мозор” дарвозаси деб номланган [15, 200]. Дарвоза шунингдек, “Дари Мозор”, “Дари мазори Баҳоуддин”, “шарофатли мазорга олиб боровчи дарвоза” каби номлар билан аталган.

Илк баҳор кунлари, апрел ойида зиёратгоҳда ўтказиладиган “Қизил гул” сайлида бутун бухороликлар билан бирга амирлар ҳам иштирок этган [1, 292]. Ўрта Осиё худудида исломгача бўлган эътиқод қолдиқларидан ҳисобланган Сайли “гули сурх” Наврўз байрамидан сўнг ўтказиладиган кўнгилхушлик, хушчақчақлик, латофат, гўзаллик, аҳду-вафо, муҳаббат ва садоқат байрами саналган. Бу сайлда халқ ўзининг бой санъатини намойиш этган. Наврўзда экилган чечаклар бу байрамда ардоқланган. Амир бошчилигида бутун бухороликлар оила-оила бўлиб бу ерга зиёратгоҳга қелишар, шойи ва адрасдўзлар, кулол ва гиламдўзлар, қандолатпаз ва ҳолвапазлар ўз санъатларини намойиш этишган. Умуман барча бухоролик ҳунармандлар, қосиблар шу кунларда ўз пиру

устозларига таъзим қилиб, янги йил учун куч-гайрат тўплашган [14, 288].

Бухоро амирлари нафақат нақшбандий пирларни зиёрат қилган, балки зиёратчиларга қулайлик яратиш, йўлларни обод қилиш, вафқлар ажратиш, хайр-эҳсонлар қилиш билан ҳам шуғулланган. Масалан, Муҳаммад Раҳимхон вафотидан олдин Абдуҳолиқ Ғижувоний мазорини зиёрат қилган [5, 152]. Бухородан 50 км узоқликда Узилди қишлоғида жойлашган мазкур зиёратгоҳда дафн этилган авлиё нафақат хожагон-нақшбандия таълимотининг асосчиси, балки Баҳоуддиннинг маънавий устози ҳам ҳисобланган.

Дониёлбий оталиқнинг Баҳоуддин мазорида ташкил этган хайрихонаси эса унинг нақадар саховатпеша эканлигини кўрсатади. Ҳар бир ногиронга йилига 1 ман ғалла бериш кўзда тутилган. XVIII асрда 1 ман оғирлик ўлчов бирлиги 8 пудга тенг ҳисобланган. 1 пуд эса тахминан 20 кг бўлган. Демак, жами 160 кг. ни ташкил этган. Ҳар жума битта қўй гўштидан овқат пишириб, ёлғиз ва қашшоқ кишиларга, яъни ғариб ва мискинларга берилган. Ғариблар кундалик овқат билан бирга, ногиронларга ҳар ҳафта умумий хайрия овқати ҳам берилган [10]. Бухоро амирларидан Шохмурод ва Ҳайдар Нақшбандия тариқатининг фаол ҳомийлари ва тарғиботчилари сифатида танилган [2, 103].

Амир Насрулло тахтни эгаллаш учун жанг бошлаш олдида Файзиободда лашкарини қолдириб, ўзи ҳазрати Баҳоуддиннинг табаррук мақбарасига келиб, Қуръон тиловат қилиб, албатта ҳафтада бир марта Бухородан Қасри Орифонга пиёда зиёрат қилай”, деб аҳд қилади. Уч кундан сўнг – 1827 йил 24 апрелда амир Насрулло тахтга ўтирди. Шундан сўнг у аҳдига амал қилиб, ҳазрат Нақшбанд мазорига зиёратга келади. Йўл ўнқир-чўнқир, нобоплигидан зиёратчилар қийналаётганларини кўриб, пойтахтга қайтиб боргач, Бухорои шариф дарвозасидан шайх Баҳоуддин мазоригача тош йўл ётқизилсин, деб фармон беради. Фармон зудлик билан бажарилади [11, 41].

Айрим манбаларда Насруллахоннинг иккинчи суюкли одатий иши улуг алломалар ва азиз-авлиёлардан сабоқ олиш, ўтганлари қабрларини зиёрат қилиш ва ободонлаштиришга эътибор қаратиш экани ҳақида маълумотлар

учрайди. Айниқса, у Баҳоуддин Нақшбанд сармозорига тунлари кўп қатнаб, у ердаги масжид ва хонақоҳларни таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратган [6, 184-185].

Бухоро амирлари топшириғига биноан, нақшбандия пирларидан бўлган Хожа Ориф Ревгарийнинг мақбараси мунтазам таъмирланган. Масалан, қози Мулло Мир Ҳабибуллохоннинг аризасида ёзилишича, хонақоҳнинг саҳни ва том қисми таъмирталаб бўлган. Амирнинг рухсати (ижозати) билан бир мулозим хонақоҳга юборилган. Мулозим 10 кун давомида ишчиларга кўрсатма бериб, хонақоҳ томи, ҳовли саҳни, нураган деворлари ҳамда ҳужраларини тузаттирган [3, 65]. Хожа Ориф Ревгарий вақф ҳужжатларида Абдуллахон II, Амир Абдулаҳадхонларнинг номлари зикр қилинган. Ҳукмдорлар номининг қайд қилиниши зиёратгоҳнинг ўша даврдаги аҳамиятини янада таъкидлаш бўлса, иккинчидан, амирларнинг дин орқали ўз мавқеини мустаҳкамлашга уринишидир [8, 76]. Юқоридагилар амирларнинг нақшбандия авлиёларини доимий зиёрат қилиб тургани ҳамда уларни обод қилишда бош бўлганини кўрсатади.

Бухоро амирлари вафотидан кейин ҳам авлиёлар, пиру муршидлар мақбараси пойгасига дафн этилишларини васият этишган. Бу улар учун юксак шараф ҳисобланган. Амирлар вафот этгач, тобутлари шаҳарнинг Мозори Шариф дарвозасидан олиб чиқилган ва Баҳоуддин пойига дафн этилган. Ҳукмдорлар нафақат фоний балки, боқий дунёда ҳам Ҳазрат паноҳида бўлишга интилишган. Натижада зиёратгоҳда етти аср давомида “Даҳмаи шоҳон” шаклланган. Даҳмаи шоҳон - шоҳлар хилхонаси маъноси билдириб, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида XIV-XX аср бошлари шаклланган амир ва хонларнинг сулолавий даҳмалар мажмуасидир. Подшоҳлар қабристонида аштархонийларга тегишли учта даҳманинг тадқиқ этилиши учала даҳма ҳам Субҳонқулихон (1680-1702) ва унинг хотини Пошшо-биби (у Ситорайи Моҳи Хоса номи билан машҳур бўлган) томонидан XVII асрнинг 90-йилларида қурилганини кўрсатди. Имомқулихон (1611-1642 йй.), Нодир Девонбеги (XVIII аср) каби тарихий шахсларнинг номлари

хам дахмаларда битилган. Субхонқулихон ва унинг ўғли Убайдуллохон (1702-1711) дахмалари тарҳи бир-бирига ўхшайди. Уларнинг жанубий қисмида куббасимон коридор-вестибюль, унинг томида туйнуқлар, шимолий деворида эса куббасимон дахмаларга олиб кирувчи эшиқлар жойлашган [12, 8].

ХУЛОСА

Амирлар тариқат эгаларининг таълимотига эргашган бўлса, иккинчидан қиёмат куни азиз авлиёлар билан бирга бош кўтаришни ният қилган. Шунингдек, авлиёлар қабрини минглаб зиёратчилар тавоф этиб қиладиган дуо савобидан баҳраманд бўлиш илинжида сўнги манзилларини белгилашга алоҳида эътибор қаратган. Шу мақсадда Бухоро шахрининг Абу Бакр Тархон қабристонида амир Муҳаммад Раҳимхон, Баҳоуддин мазорида Муҳаммад Дониёлбий оталик, Эшони Имло мазори³да Амир Шохмурод, Амир Насруллохон, Амир Музаффархонлар дафн этилган.

XVI асрдан бошлаб нақшбандия тариқати Мовароуннахр худудида кенг кулоч ёзиб, унинг тарафдорлари ошиб боради. Нақшбандий шайхлар, эшон ва сўфийлар таълимотнинг ривож ва тараққиёти учун муносиб ҳисса қўшади. Худди шундай Бухорода шахсан амирларнинг ўзи мазкур таълимотга амал қилиб, унинг тарғиботчилари ва ҳомийларига бўлган. Нақшбандия тариқати шайхларига юксак эътиқод қўйиб, уларнинг шогирдларига айланишган. Шу сабабли тариқат пирлари зиёратгоҳларига қўплаб вақфлар қилишган, ободлигини таъминланган. Бухоро амирлари ва нақшбандий пирларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш асносида давр ҳукмдорларининг диний, ижтимоий, маънавий ҳаётда тутган ўрни, мазкур йўналишдаги фаолиятлари имкон қадар аён бўлди. Ҳамма даврда бўлганидек, амирлар ҳам диний уламолар, тариқат пешволари, йириш шайх ва эшонларнинг маслаҳати ва ёрдамига таянган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аверьянов Ю.А., Башарин П.В. Мазар Баха'ад-дина вчера и сегодня // Центральная Азия. Традиция в условиях перемен. Выпуск 2. – СПб: МАЭ РАН, 2009. – С. 292.
2. Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С. 103.
3. Асророва Л. Вақф ҳужжатларида етти пир зиёратгоҳлари таъминоти масаласи // Имом Бухорий сабоқлари. – 2020. – №1. – Б.65.
4. Бернс А. Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря до Лагора с вручением великобританского королевства и отчет о путешествии из Индии в Кабуле, Татарию и Персии, предпринятом по предписанию высшей инстанции Индии в 1831, 1832 и 1833 гг. – Москва, 1848. – С.449.
5. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Москва: Восточная литература РАН, 2003. – С. 153.
6. Жуманазар А. Бухоро таълим тизими тарихи. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б. 184-185.
7. Зоҳидов П. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд меъморий ҳазира. – Тошкент, 1993. – Б. 8.
8. Исмазова Н. Бухоро зиёратгоҳларини ўрганишда вақф ҳужжатларининг аҳамияти (Хожа Ориф Ревгарий мажмуасига оид вақф ўрами) // Ўзбекистон тарихи. – 2020. – №4. – Б.76.
9. Йўлдошев Н., Бобожонов Ш. Баҳоуддин Нақшбанд тарихий-меъморий мажмуаси. – Тошкент: Наврўз, 2015. – Б.62.
10. Казаков Б. Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳидаги хайрияхона // Нақшбандия. – 2011. – № 1 (6).
11. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Т: Фан, 1993. – Б. 41.
12. Некрасова Е.Г. Комплекс Дахма-и шахан в ансамбле Баха ад-дина (дахма Падшах-биби). 1990;
13. Путешествие Русского посольства по Авганистану и Бухарскому ханству в 1878-1879 гг. Из дневников члена посольства И.Л.Яворского. В двух томах. Том II. – СПб., 1883. – С. 356.
14. Қаюмова Г. Унутилган қадриятлар. – Бухоро: Бухоро, 1993. – Б.9; Аверьянов Ю.А., Башарин П.В. Мазар Баха'ад-дина вчера и сегодня... – С. 288.
15. Соколов Ю.А. Бухара, Самарканд, Келиф в 1813 году (Публикация отрывка из «Мир Иззет Уллы в Среднюю Азию в 1812-1813 годах») / Труды Среднеазиатского государственного университета. – Т., изд. САГУ.1957. – С. 200.

³ Эшони Имло мазори Совет даврида бузиб ташланган бўлиб, ҳозирда унинг ўрнида ۱ ½ – мактаб жойлашган.